



FACTORS OF EDUCATION OF A PERFECT OF EDUCATION IN THE SPIRITUAL MATURITY OF A YOUNG MAN

D.A. Rakhimboeva

Associate professor, PhD

Namangan State University

Namangan, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: science, culture, education, sophistication, physical education, independence thinking, national pride, pride, selflessness, patriotism, nationalism.

Received: 26.05.22

Accepted: 28.05.22

Published: 30.05.22

Abstract: This article is devoted to the important task of educating young people, informs that modern youth, effectively using the achievements of science, culture, education and the spiritual sphere, makes a significant contribution to the development of independent Uzbekistan.

КОМИЛ ИНСОННИ ТАРБИЯЛАШ ОМИЛЛАРИ: ЁШЛАР МАЊНАВИЙ КАМОЛОТИДА ТАРБИЯ МАСАЛАСИ

Д.А. Раҳимбоева

Доцент, PhD

Наманган давлат университети

Наманган, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: фан, маданият, таълим, нафосат ва жисмоний тарбия, мустақиллик тафаккури, миллий ифтихор, ғурур, фидокорлик, ватанпарварлик, миллатпарварлик.

Аннотация: Ушбу мақола муҳим вазифа хисобланган ёшлар тарбияси масаласига бағишлиланган бўлиб, замонавий ёшлар фан, маданият, таълим каби мањнавий соҳалар, ютуқларидан самарали фойдаланган ҳолда мустақил Ўзбекистон тараққиётига салмоқли ҳиссаларини қўшаётгани ҳақида маълумот беради.

ФАКТОРЫ ВОСПИТАНИЯ СОВЕРШЕННОЙ ЛИЧНОСТИ: ПРОБЛЕМА ВОСПИТАНИЯ В ДУХОВНОЙ ЗРЕЛОСТИ ЮНОШИ

Д.А. Рахимбоева

Доцент, PhD

Наманганский государственный университет

Наманган, Узбекистон

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: наука, культура, образование, изощренность, физическое воспитание, самостоятельность мышления, национальная гордость, гордыня, самоотверженность, патриотизм, национализм.

Аннотация: Данная статья посвящена важной задаче воспитания молодежи, информирует о том, что современная молодежь, эффективно используя достижения науки, культуры, образования и духовной сферы, вносит весомый вклад в развитие независимого Узбекистана.

КИРИШ

Ўзбекистон ҳаётининг устивор йўналишиларидан бири – республика халқлари; шу жумладан ёшлар маънавий ҳаётини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ташкил этмоқда. Замонавий ёшлар фан, маданият, таълим каби маънавий соҳалар ютуқларидан самарали фойдаланган ҳолда мустақил Ўзбекистон тараққиётига салмоқли ҳиссаларини қўшишмоқда. XXI асрда маънавият бошқа соҳаларга қарагандა ёшлар ҳаёти ва умуман турмуш тарзида муҳим кўрсаткичга айланмоқда. "Бу масалани атрофлича ва чукур таҳлил этишимиз, унинг фақат ўзимизга маъқул, ижобий томонлари билан чекланиб қолмасдан ана шундай мураккаб жиҳатларини ҳам назардан четда қолдирмаслигимиз лозим", яъни маънавият ва маънавий ҳаёт жамият таркибида ўрганилади.

Бозор иқтисодиётини ривожланиши ижтимоий-иктисодий ўзгаришларга йўл очиб бермоқда. Республика олимлари таъкидлашганидек, содир бўлаётган ўзгаришлар аввало шахснинг фаолияти билан боғлиқ, яъни шахс субъект сифатида ҳар қандай жараёнга тафаккури ва ижтимоий ҳаракати билан таъсирини билдиради. Шахснинг ҳаёти маънавий жиҳатдан бойиб борса, унинг хулқ-атвори, ижтимоий ҳаракати, дунёқараши ва бошқа фазилатлари ижобий томонга ўзгариб боради. Амалиёт кўрсатганидек, шахснинг ҳар қандай шароитда содир бўлаётган ўзгаришларнинг моҳиятини ўзлаштирган ҳолда фаолият кўрсатади, акс ҳолда ижтимоий-характери пасайиб боради. Шунинг учун давлатимиз ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар даврида маънавият масаласини жамиятнинг асосий масалаларидан бири сифатида бу масалага эътибор бермоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Республиканинг ҳамма соҳаларида содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар натижасида халқимиз ўз маданияти, тили, динига эга бўлди, миллий ғурури, обрўси тикланиб, миллий

қадриятлари ривожланишига кенг йўл очилди. Мустақиллик ва маънавият бир-бирига боғлиқ тушунчалардир. Маънавияти буюк халқни халқаро майдонда салоҳияти ўсиб боради. Бундай маънавиятнинг камол топиш ғояси ёшларнинг қалбларига сингиши учун республикада амалга оширилаётган барча ислоҳотларда малакали кадрлар тайёрлаш жараёнида бошқарув тизимида фаол иштирок этишлари зарур. Республикада демократияни шакллантириш асосида, ҳукуқий давлатни барпо этиш вазифаси қўйилган. Давлатимиз раҳбари шу боис ҳам маънавият ва маърифатга катта эътибор бериб келмоқда. Шу оқилона сиёsat туфайли ҳалқимиз ўзлигини таниб, ўтмишини идрок этмоқда, юклатилган вазифасини англамоқда. Ёшлар маънавиятини ўзгартирмасдан туриб, ҳалқимиз ҳаёти ва турмуши юксалишида ҳамда мамлакатимиз тараққиётида муваффақиятларга эришиш қийин. Ислоҳотларнинг биринчи босқичида миллий маънавиятни юксалтириш йўлида кўзланган мақсад тўла амалга оширилди ва иккинчи босқичда амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга замин яратилди, маънавий, мафқуравий муаммолар атрофлича ўрганила бошланди. Ижтимоий ҳодисалар билан бирга миллий маънавиятимиз юксалиб борди.

Ҳаёт исботланганидек, маънавий эркин ва озод ҳалқ теран ва комил тафаккур туфайли ҳамма соҳада катта ютуқларга эришиши мумкин. Бошқача айтганда, фақат маънавий соғлом, кучли жамиятгина ислоҳотларига тайёр деб ҳисобланади. Ёшларни маънавий тарбиясида кўз бўямачиликка йўл қўйиш ниҳоятда хатарли. Маънавият жамиятнинг шундай бир нозик соҳасики, бу борада юзаки ёндашув иқтисодий ва сиёсий соҳаларда кутилмаган турли муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Кишиларда, ҳусусан ёшларда янги маънавиятнинг шаклланиши анча мураккаб ва машақкатли жараён ҳисобланади. Буни амалга ошириш учун кенг кўламли маданий, тарихий, маърифий, тарбиявий ишларни амалга ошириш керак бўлади. Эски тузум шароитида таркиб топган маънавий инқирозга барҳам бериш, янгича тафаккурга эга бўлган инсонни шакллантириш мураккаб, муайян даврни талаб қилувчи, аста-секин амалга ошадиган жараён бўлганлиги сабабли республика ҳаётида маънавий бўшлиқ ҳолатлари ҳам юзага келиши табиийdir. Бу бўшлиқ жамият учун иқтисодий, сиёсий инқирозга нисбатан анча қийин кечади. Бунга кейинги вақтларда юз берган мудҳиш воқеалар яққол мисол бўла олади. Шу сабабли тарихий бурилиш даврларида объектив тарзда юзага келадиган бундай ҳолатларни чукур англаб, атрофлича таҳлил қилиб, уларга тўғри муносабатда бўлиш лозим.

Мамлакатимиз раҳбари “То буни тўғри англаб, бундай ҳолатларнинг юзага чиқашини олдини олсак, нафақат одамларимиз, авваламбор ёшлармизнинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга

бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш ёрдамида мустақиллик тафаккури, маънавиятини шакллантириш, мақсад, вазифа, воситлари йўллариии излаб топиш, ҳаётга жорий этиш орқали ҳал этиш мумкин”лигини таъкидлаб келмоқда. Зотан мамлакатимизнинг келажаги учун маънавияти юксак, баркамол инсонлар зарур.

Маънавиятли ва эътиқодли ёшлар республика ислоҳотларида фаол иштирок этишмоқда. Ўзбекистон бозор муносабатлари даврида маънавий-аҳлоқий қадриятларнинг аҳамияти тобора ўсиб бораётганлиги маънавий баркамол авлодни тарбиялашни долзарб масала сифатида кун тартибига қўймоқда.

Маънавий баркамол инсон фазилатларининг асосий қирралари ҳар бир тарихий босқичда очилиб, уларнинг ўзаги эса биринчи навбатда меҳнат фаолиятини ташкил этади. Маънавий-маърифий баркамолликнинг қирралари ва мезонлари қаторига мустақиллик тафаккури ва миллий ифтихор ҳам кучаяди. Токи, мустақиллик тафаккури ва миллий ифтихор, ғурур ўлмас экан, фидокорлик, ватанпарварлик, миллатпарварлик ҳислатлар жўш урмайди.

Мустақиллик тафаккури кенг қамровли бўлиб, у қуидагиларни ўз ичига олади: Ватан истиқболи ва истиқтоли ҳақида қайғуриш, ҳалқи, юрти қадр-қиммати, ор-номусини англаш ва буни ҳимоя килиш, бутун меҳнати, истеъоди, имконияти, зарур бўлса жонини шу юрт истиқболи, ҳалқ баҳти учун баҳшида этиш ва бошқалар. Мустақиллик бу-бизга аждодларимиз қолдирган бой ва муқаддас маънавиятдир. Шу маънавиятни ҳар биримиз авайлаб-асрашимиз ҳам юксак аҳамиятига эга бўлган муҳим вазифа ва бурчdir. Шу вазифани амалга ошириш ва ҳал қилишда ёшлар ҳамда бутун ҳалқ онгига мустақиллик руҳини сингдириш- катта аҳамият касб этади.

Маънавий-маърифий баркамолликнинг қирраларидан бири миллий ғурур бу миллий ифтихордир. Миллий ғурур ўз ҳалқининг бир неча минг йиллар давомида яратиб келган барча моддий ва маънавий бойликлари, тарихий мероси, урф-одатлари, анъаналари, одоб-аҳлоқи, турмуш тарзи, юксак маънавияти, барча тарихий ютуқлари ва сабоқларига чексиз хурмат ва эъзоз билан муносабатда бўлиш, авайлаб-асрашдир.

Ўз ҳалқининг тарихини, миллий қадриятларини, тилини мансублигини унуглан, ўз миллатини истиқболи учун қайғурмайдиган, курашмайдиган кишиларда миллий ғурур ҳам, миллат билан фахрланиши ҳам, миллатпарварлик ҳам бўлмайди. Бундай кишиларни маънавий баркамол инсон дея ололмаймиз.

Комил инсон тушунчаси маънавий баркамол инсон тушунчаси билан ҳамохангдир. Маънавий баркамолликка эришмай комил инсон даражасига этиш мумкин эмас. Демак, маънавий маънавий баркамолликка интилиш бу-комил инсон даражасига эришиш учун

интилишдир. Комилликка инсон бутун умри давомида эришиб боради. Учала тушунча: соғлом авлод, маънавий баркамол, комил инсон даражама-даража чуқур маъно касб этади. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, комил инсон бўлишнинг аниқ чеки ва чегараси йўқ. Бизнинг кўхна тарихимизда юзага келган, халқ, мамлакат тарихида катта маънавий-аҳлоқий тарбия ролини ўйнаган тасаввуф комил инсон назарияси ҳақидаги, уни тарбиялаш, вояга етказиш ҳақидаги таълимот ва амалиёт саналади. Мазкур саволни тасаввуф таълимотидан келиб чиқсан ҳолда баён этишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Комил инсон биз учун идеалдир. У барча дунёвий ва илохий билимларни эгаллаган, руҳи мутлақ рухга туташ, файзу каромати сероб, қалби эзгу туйғуларга лиммо-лим тўла покиза зот. Комил инсон одамзод орзу қилган жамики эзгу хислатларнинг ифодачиси.

Комил инсонлар жамиятнинг тирик виждонларида. Кишилар уларга қараб хушёр тортадилар, дунё беҳудалигидан ўзларига келиб, ўз қалбларига, ўз қилаётган ишларига разм соладилар, тавба-тазарру киладилар. Комил инсонларнинг афъолу аъмоли инсонлар қувват, кўзига нур бағишилаган.

Комил инсон ҳақида тасаввуф адабиётида қўп асарлар битилган. Ана шундай кишилардан бири XIII асрда яшаган Азизиддин Насафий "Инсони комил" номли рисоласида комил инсонга таъриф бериб шундай ёзди: "Билгилки, комил инсон деб шариат ва тариқат ва ҳақиқатга етук бўлган одамга айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайн: билгилки, комил инсон шундай инсондирким, унда қўйидаги тўрт нарса камолотга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши аҳлоқ ва маориф". Бу сифатлар билан зийнатланган эдим ёлғон, риё ва бадкирдорликдин чекинади, ҳамма вакт эзгу ният билан яшаб, эзгу ишларга тайёр туради.

Яхши сифатларни эгаллаб борган одам: комил инсон мартабаси кўтарила олади. Комил инсон-инсонларнинг энг мукаммал, энг оқили ва доноси. Комил инсон инсонлар жамияти ичидан етишиб чиқадиган мұтабар зотдир, инсонлар комилликка аҳлоқий-маънавий покланиш жараёнида эришадилар.

Комилликнинг белгиси ҳақ йўлидан бориб, халққа фойда келтиришдир. Киши ўз сўзи, амалий ишлари, нияти билан қанчалик одамларга фойда келтирса, ёмонларни тўғри йўлга солса, ҳақ йўлида фидо бўлса, у шунча комил бўлади.

Комил, баркамол инсонни тарбиялаш, вояга етказаш ҳақида мусулмон Шарқи ахлоқи тарихида инсон ҳаёти учун дастуруламал, қўлланма вазифасини ўтаган қўп пандномалар, халқ мақоллари мавжуд бўлган. Шулардан баъзиларини санаб ўтамиз. Чунончи, Кайковуснинг "Қобуснома", Саъдийнинг "Гулистон", "Бўстон", Амир Темурнинг "Темур тузуклари", Абдурахмон Жомийнинг "Бахористон", Алишер Навоийнинг "Махбуб ул-

кулуб”, Хусайн Воиз Кошифийнинг “Аҳлоқи муҳсиний” ва бошқаларни кўрсатишимииз мумкин. Бу асарларнинг кўпчилигига одил шоҳ ва адолат, ҳалоллик, софлик, поклик, тўғрилик, ростгўйлик, инсонпарварлик, маърифатли бўлиш каби инсоннинг шарқона фазилатлари берилган.

Алишер Навоийнинг “Насойим ул муҳаббат” асарида комил инсонга ҳос хусусиятлар, унинг шарқона фазилатлари санаб ўтилган. Булар қаторида улуғ мутафаккир қуидагиларни киритади: тавба, ҳалол луқма билан қаноатланиш, ўз касбидан топиб кун ўтказиш, шариатга риоя этиш, ҳатто фарзандлари, хизматкорларига қўполлик қиласлиқ, мард бўлиш, ҳалимлик, хушхулқ бўлиш, ризо-розилик билан кун ўтказиш, сабрли булиш, садоқатли, вафоли бўлиш, риёзат чекишдан қўрқмаслик ва бошқалар.

ХУЛОСА

Шу тариқа ўтмишда, комил инсоннинг ўзига хос ахлоқ кодекси ишлаб чиқарилган бўлиб, бу сифатларга эга бўлиш ҳар бир одамнинг орзу-армони деб қаралган. Комил инсон ҳақидаги ғоялар муҳим ижтимоий-ахлоқий аҳамиятга эга бўлган. У инсонни шарафли, эзгулик руҳида тарбиялаб, меҳру муҳаббат, вафо ва садоқатини кучайтиришга хизмат қилиб келди. Ҳар замон, ҳар лаҳзада инсонларга инсонлигини эслатиб, ёвуз, қабиҳ ишлар, ножӯя ҳатти-ҳаракат ва қилиқлардан сақланишга кўмаклашади, уларда иймон ва виждан биносининг пайдо бўлишини таъминлайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2016.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт таракқиёти ва ҳалқ фаровонлигининг гарови. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.
4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.
5. Об установлении Дня молодежи Республики Узбекистан. Закон Республики Узбекистан от 25.08.2017 г. № ЗРУ-437, Дата вступления в силу 26.08.2017 . Источник: «Народное слово», 2017 г., № 169 (6833).
6. О создании Государственного фонда поддержки развития предпринимательской деятельности. Постановление Президента Республики Узбекистан от 17.08.2017 г. № ПП-

3225, Дата вступления в силу 18.08.2017 . **Источник:** «Народное слово», 2017 г., № 163 (6827).

7. О мерах по дальнейшей реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах. Распоряжение Президента Республики Узбекистан от 15.08.2017 г. № Р-5024, Дата вступления в силу 16.08.2017

Источник: «Народное слово», 2017 г., № 161 (6825).

8. О мерах по совершенствованию дополнительных условий по дальнейшему развитию деятельности и стимулирование труда работников сферы организации культуры и искусства, творческих союзов и средств массовой информации. Постановление Президента Республики Узбекистан от 14.08.2017 г. № ПП-3201, Дата вступления в силу 21.08.2017

9. О широком привлечении спортсменов Узбекистана, достигших высоких результатов на престижных международных спортивных соревнованиях, к общественной и спортивной деятельности, а также поощрении спортсменов и их тренеров. Постановление Президента Республики Узбекистан от 10.08.2017 г. № ПП-3196, Дата вступления в силу 11.08.2017. **Источник:** «Народное слово», 2017 г., № 158 (6822);

10. О мерах по дальнейшему развитию системы подготовки, переподготовки и повышения квалификации управленческих кадров в Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан. Указ Президента Республики Узбекистан от 08.08.2017 г. № УП-5139, Дата вступления в силу 14.08.2017. **Источник:** СЗ РУ, 2017 г., № 32 (795).

11. Об организации деятельности Центра исламской культуры в Узбекистане при Кабинете Министров Республики Узбекистан. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 02.08.2017 г. № 572, Дата вступления в силу 07.08.2017

12. Свободное, демократическое и процветающее государство Узбекистан мы построим вместе с нашим мужественным и благородным народом. Выступление Шавката Мирзиёева на торжественной церемонии вступления в должность Президента Республики Узбекистан на совместном заседании палат Олий Мажлиса 14 Декабря 2016.

12. Zokirovich, Q. S. (2021). Social factors of entrepreneurship support in Uzbekistan. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(4), 1502-1507.

13. Козоков, С. З. (2020). ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ. *Журнал Социальных Исследований*, 3(2).
14. Ismoilovich, I. M. (2021). THE SOCIETY IS AT A NEW STAGE OF DEVELOPMENT PRIORITY IN EDUCATION SYSTEM REFORM FUNCTIONS.
15. Ismoilovich, I. M. (2021, July). ISSUES OF TRANSFORMATION OF EDUCATIONAL EXPERIENCE OF DEVELOPED COUNTRIES. In *Euro-Asia Conferences* (pp. 227-239).
16. Казаков, С. З. (2019). Социальные факторы формирования представлений о предпринимательстве в Узбекистане. *Социальная политика и социальное партнерство*, (12), 55-63.
17. Isroilov, M. (2022). The system of education and its interaction with the concept of spirituality. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(1), 88-93.
18. Ismoilovich, I. M. (2022). NAQSHBANDIYA TA'LIMOTINING TARBIYAVIY AHAMIYATI. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 2(Special Issue 2), 88-91.
19. Mukumzhanova, M. M. (2022, March). THE ROLE OF ARCHIVAL ACTIVITIES IN THE SYSTEM OF SOCIAL MANAGEMENT IN UZBEKISTAN AT THE PRESENT STAGE. In *E Conference Zone* (pp. 13-17).
20. Муйдинова, М. М. (2020). Архивы Узбекистана в социальном управлении. *Социальная политика и социальное партнерство*, (4), 70-76.
21. Козоков, С. З. (2020). ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА ТАЪСИРИ. *Журнал Социальных Исследований*, 3(1).
22. Истроилов, М. И., & Истроилова, С. М. (2022). ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ЙЎЛИДА. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 2(Special Issue 2), 82-87.
23. Арипов, З. Т. (2020). ПРОЦЕСС ФОРМИРОВАНИЯ КОММУНИКАТИВНО-РЕЧЕВОЙ ГОТОВНОСТИ СТАРШИХ ДОШКОЛЬНИКОВ К ОБУЧЕНИЮ. In *ПРОБЛЕМЫ ФИЛОЛОГИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ* (pp. 108-112).
24. Муйдинова, М. М. (2021). АРХИВНАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ КАК ОБЪЕКТ СОЦИАЛЬНОГО УПРАВЛЕНИЯ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(1).

25. Toirjonovich, A. Z. (2022). BO'LAJAK O'QITUVCHILARNING KASBIY KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISH. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 2(Special Issue 2), 92-96.
26. Bekmirzaev, R. B. (2021). Traces Of Archaic Religions In The Modern Way Of Life Of The Peoples Of The Ferghana Valley. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(11), 41-46.
27. Nizomiddinov, O., Tulqinjonov, S., & Mirzaeva, D. (2020). ISSUES OF SPIRITUALITY IN "TEMUR TUZUKLARI". *Теория и практика современной науки*, (5), 44-46.
28. Каримов, Ў., Каримова, Г., & Каримов, Ў. (2021). ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ АҲБОРОТЛАШУВ. *Central Asian Academic Journal of Scientific Research*, 1(1), 103-110.
29. Botirova, Z. A. (2019). THE THEORETICAL ANALYSIS OF THE APPICATION OF INFORMATION TECHNOLOGIES IN THE FIELD OF PRESCHOOL EDICATION. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(11), 266-269.
30. Zukhrakhon, B. (2021). About the analysis of the potential of teaching staff in monitoring preschool education. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 11(1), 1120-1126.